







Спорт

«НЕФТЧИ»НИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Катар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионларининг финал олдигурух баҳслари ўтказилди. Унда Ўзбекистон чемпиони, Марказий Осиё гуруҳи ғолиби -- Фарғонанинг «Нефтичи» жамоаси ҳам қатнашди.

Бу ерда Осиё чемпионларининг финал ўйинларига берилган икки йўллама учун Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Катар ва Ўзбекистон чемпионлари кураш олиб боришди. Хамюртларимиз дастлабки учрашувда Ливаннинг «Ал-Ансор» клубига қарши майдонга чиқишди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакат чемпионатидида кетма-кет, муҳим учрашувларда анча толиқиб қолишларига қарамай, «Нефтичи» футболчилари дастлабки дақиқалардан оқ ташаббусни қўлга олишди. Бу тез орада ўз самарасини берди. Ливанликлар «Нефтичи»нинг шиддатли ҳужумларидан бирини жарима майдонидида ўйин қондасини бузиш билан тўхташиб қолишдан ўзга чора топишмади. 11 метрлик жаримани Андрей Фёдоров аниқ амалга оширди.


Иккинчи бўлимда ливанликлар ҳисобни тенглаштиришга эришди. Орадан кўп вақт ўтмай Сергей Лебедев «Нефтичи»ни яна ҳисобда олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг хамюртларимиз бироз хотиржамликка берилишди. Учрашув тугашига беш дақиқа қолганида «Ал-Ансор» клуби ҳисобни тенглаштирди, ўйин 2:2 ҳисобида якунланди. Учрашудан сўнгги матбуот конференциясида жамоамиз бош мураббийси Ю. Саркисян бу дурангни «Нефтичи» ўйинчилари узок йўл босиб келганликлари, иқлим ва вақтнинг биздагидан фарқ қилиши билан изоҳлади. «Ал-Ансор» мураббийси эса «Нефтичи» билан дуранг учун галаба билан тенг эканлигини айтди.

Ливанликлар кейинги учрашувда ҳам ўйиннинг сўнгги лаҳзаларида Катарнинг «Ал-Арабий» жамоаси дарвозасига тўп киритиш билан мағлубиятдан қўтилиб қолишди. Майдон эгалари бу учрашунинг 85-дақиқасида ҳисобни очган эди.

Бирлашган Араб Амирликлари мамлакат чемпиони «Ал-Васал» клуби дастлабки учрашувда «Ал-Арабий» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, гуруҳда 3 очко билан пешқадамлик қилаётган эди. Кейинги гал улар хамюртларимизга қарши майдонга чиқишди. Учрашувда «Нефтичи» тўла устунлик қилди. Буни қайд этилган ҳисоб ҳам кўрсатиб турибди -- 4:1, фарғоналиклар галаба қозондилар. Тўпларни вақиларимиздан Руслан Дўрмонов (2 та) ва Сергей Андреев киритишди. Учрашунинг 39-дақиқасида ўнг қанотдан Равшан Бозоровнинг кучли зарб билан жарима майдонига узатган тўпини «Ал-Васал» ҳимоячиси Мустафо Абулқарим Мухаммад ўз дарвозасига йўллади. Жавоб тўпини эса «Ал-Васал» ўйинчиси Омар Султон Аҳмад 11 метрлик жаримадан киритди. Яна шунинг айтиш жоизки, ушбу ўйинда ўзига хош рекорд қўйилди. Иккинчи бўлимда майдонга чиққан хамюртларимиз С. Андреев бор йўғи бир дақиқа ўйнади. Ана шу бир дақиқа ичида у рақиб дарвозасини ишғол этишига улгурди ва жароҳат олиб майдондан чиқиб кетди. Тўғри, оғир жароҳат олмаган Андреев беш дақиқадан сўнг яна майдонга қайтди.

Сўнгги учрашувда хамюртларимиз майдон эгаларига ютқазиб (0:1) қўйишди. Шунга қарамай «Нефтичи» гуруҳда 1-ўринни эгаллаб, ярим финалда Таиланд чемпиони билан, катарликлар эса Жанубий Корея чемпиони билан ўзаро куч синашадиган бўлишди.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Хива шаҳрининг барча тарихий обидаларини таъмирлашга катта эътибор берилмоқда. Айни пайтда уста Баҳодир Каримов «Нуриллабой ёзги саройи» қадимий нақшларини асл ҳолига қайтараятганидан шаҳар аҳли мамнун.

СУРАТДА: Б. Каримов.

Ш. ИБРОҲИМОВ тасвири.

ЯПОН ҚЎГИРЧОҚЛАРИ ТОШКЕНТДА

Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг «Хамар» залида Япония қўғирчоқлари кўргазмаси очилди. Кўргазмани Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси кўмағида рассомлар уюшмасининг «Хамар» халқаро алоқалар маркази ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил қилган.

Кўргазмада ёғоч, қоғоз, сополдан ишланган 80 дан ортиқ қўғирчоқ намойиш қилинмоқда. Японияда беш минг йилдан ортиқ вақт мобайнида машур бўлган бу халқ амалии санъатининг Тошкентда иккинчи марта намойиш этилаётган намуналари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.



СИЗГА ЖАҲОН ЭШИКЛАРИНИ ОЧАДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Инкарбан ва хизмат кўрсатадиган VISA картоткалари жаҳоннинг 15 миллионга яқин пунктиларида тўғлов тарифасида қабул қилинади, 35 миндан зиёд пунктиларда касса хизмати ва 160 минга яқин банкوماتларидан нақд пул олиш имконини беради.

VISA Ўзбекистон ҳудудида қўлланади. Картоткалар республиканинг савдо ва хизмат кўрсатиш пунктиларида тўғлов тарифасида қабул қилинади.

VISA миллий банкнинг ҳар қандай бўлиминдан, шунингдек, жаҳоннинг турли-қур, узлуксиз ишлайдиган банк ва банкوماتларидан текланмаган микрофида нақд валюта олтида ҳам фойдаланиш мумкин.

VISA қўнмаган маблағини сиф сақлаётганини кафолатлайди.

VISA - фойдали ва қулай. Юридик ва ҳусусий шахслар ўзини жаҳоннинг барча давлатларида меҳмонхона, авиакасса, ресторани ва кафеларида эти Замонавий тўғлов воситасидир.

VISA - бу истиқбол ва муваффақият картоткаси.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

Кредит картоткалар бўлими. ТЕЛ.: 33-90-96, 33-78-16, 33-70-74.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Ҳукумат қарорлариға мувофиқ республика иқтисодиётининг етакчи соҳаларини ривожлантириш учун технологиялар, комплекташ учун зарур маҳсулотлар ва хомашё харид қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга сўма эркин муомаладаги валюта конвертациясини бошлайди.

- Жумладан:
1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш;
2. Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш;
3. Маҳаллий хомашёни қайта ишлаш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
4. Тиббиёт ускуналари ва дори-дармонлар ишлаб чиқариш;
5. Экспорт маҳсулотлари билан таъминлаш ёки импорт моллари ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида ишлаб турган корхоналар учун комплекташ ва хомашё харид қилиш;

Пул алмаштириш учун буюртма билан бирга чет эл валютасида фойдаланиш ва унинг техник-иқтисодий самарасини асословчи хат миллий банкнинг хазина бош бошқармасига топширилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 23.



ТЕЛ.: 33-05-30.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ


БУ СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯДИР!

Бунақаси ҳеч бўлмаган! "Совга" лотереяси Сизга реал ютуқ ютиши имкони беради! Лотерея ўйинига автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель комплекслари, гиламлар ва турли хил халқ истеъмол моллари қўйилган.

Ютуқ чиқиш имкони катта, чунки лотереяга умумий сумманинг 70 фоизи ютуқ сифатида тарқатилади.



"СОВГА" лотереяси чипталарини Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо корхоналаридан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин. Билет баҳоси - 10 сўм.



Шошилининг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳридаги "Навруз" саройида ўтказилади.

Лотерея сотиб олинг ва тиражда қатнашинг! Сизга омад тилаймиз!

Маълумот учун телефонлар: 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95.

Шошилининг! Ютуқлар тиражи 28-29 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тўлиқ маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг барча муассасаларидан, шунингдек, 45-35-49, 45-66-43, 33-81-95 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

"СОВГА" ЛОТЕРЕЯСИ - Сизнинг ошлангиз учун совгадир! "Совга" лотереясини сотиб олиб бахтли қимматбаҳо ютуқлар: автомобиль, видеоаппаратура, телевизор, мебель ва бошқа халқ истеъмол молларининг эгаси бўлишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбексавдо" Жамғарма банки

"Ўзбекбирлашув"



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҮРАБОВЕВ.

БҮЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Халқаро 33-07-48; Қишлоқ-хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Ахборот 32-29-89; Туризм муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Набатчи муҳаррир - М. Холматова. Набатчи - Р. Жумаев.